

---

Таъмирлаш ишлари сабабли эртага туманнинг айрим ҳудудларида  
электр таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади

“Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг тегишли хабарномасига кўра, эртага 2023 йил 21 сентябр куни 35/10 кВли “ГЭС Қудаш” нимстанциясидаги Т-2 куч трансформаторида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Шу сабабли, мазкур нимстанциядан таъминланадиган Ўқчи Дашт, Ўқчи, Ўқчи туман, Хотамтой маҳаллалари ва Бўстон МФЙнинг Пахтабўстон қишлоғидаги истеъмолчиларнинг электр таъминотида эртага соат 09:00 дан 12:00 гача вақтинчалик узилиш кузатилади.

Ҳурматли истеъмолчилар! Юқорида кўрсатилган вақт давомида зарур эҳтиёт чораларини кўришингиз лозимлигини эслатган ҳолда, келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

Ўзбекистон тумани электр таъминоти корхонаси

Мурожаат учун телефон: ☎ (95) 402-13-52, (73) 539-16-03, (73) 539-12-02

2023-09-20 16:10:30